

## **“Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорлари диққатига!**

Ҳурматли акциядорлар, “Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 28 май куни соат 10:00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

### **Кун тартиби:**

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Умумий йиғилиш саноқ комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. 2020 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмати учун ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
4. Жамиятнинг муддати ўтган умидсиз дебиторлик қарздорлигини ўрнатилган тартибда ҳисобдан чиқариш тўғрисида.
5. Жамиятнинг айрим асосий воситаларини сотувга чиқариш тўғрисида.
6. Техник пахта чигити хомашёсини сотиб олиш учун банкдан 10 млрд. сўм миқдоридан кредит олиш тўғрисида.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 24 май ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй  
e-mail: [info@urganchyog.uz](mailto:info@urganchyog.uz), [urganchoil@umail.uz](mailto:urganchoil@umail.uz).  
Тел: +998 (62) 224-57-57

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.